
МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР ЎТКАЗИЛДИ

2021- йилнинг 11 май куни 30-мактабнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Р. Исаев мактаб кутубхона мудираси М.Маматовалар 8-11 синф ўқувчилари иштирокида “Мен севган адиб” шиори остида маънавий- маърифий тадбир ўтказилди. Ўтказилган тадбирда маънавият ва маърифат маркази Риштон туман бўлими бош мутахасислари Аҳроржон Ҳайдаров, Козимжон Тўхтасинов меҳмон сифатида ташриф буюришди. Ташриф буюрган меҳмонлардан Аҳроржон Ҳайдаров, ўқувчи ёшларга мухтарам Президентимиз ташаббуслари билан жорий қилинган 5-муҳим ташаббуснинг тўртинчи йўналиши - “Ёшлар маънавиятини юксалтириш китобхонликни кенг тарғиб қилиш” бўйича бир қатор ишлар амалга оширилаётганлиги “Ёш китобхон” танловлари ўтказилаётганлиги, танловда ғолиб бўлган ёшларга Президентимиз томонидан машиналар совға қилинаётганлигини таъкидлаб ўтди. Тадбирнинг яна бир иштирокчиси Козимжон Тўхтасинов юқоридаги фикрларга кўшимча қилиб “Китоб-барча бунёдкорлик, яратувчанлик ва ақл идрокни, илму донишнинг асоси, ҳаётни ўргатувчи мураббий” эканлиги, қолаверса китоб ўқишдан тўхтаган инсон фикрлашдан ҳам тўхташини айтиб, ўқувчиларга доимо китоб билан ҳамнафас бўлишларини, китобга ошно тутинишларини унга меҳр қуйишларини таъкидлади . Тадбир давомида ўқувчилар ўзларининг сеvimли адиблари ва уларнинг ёзган асарлари ҳақида фикр мулохазаларини баён қилиб ўтишди. Тадбир сўнгида ташриф буюрган меҳмонлар кутубхона фондига ўқувчи ёшларига хос бўлган бадий адабиётларни совға қилишди.

Риштон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2021-05-11 17:12:31